

“Uzcard-EMV” сўм шахсий банк пластик картасидан фойдаланиш бўйича

ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Ушбу шартнома чет эл капитали иштирокидаги “Namkorbank” акционерлик тижорат банки (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) ҳамда тизим иштирокчиси бўлган жисмоний шахс (бундан буён матнларда “Мижоз” деб номланади) ўртасида электрон шаклда тузилди.

Шартнома бўйича халқаро пластик картани очиш амалиётлари ва олинadиган маълумотлар жисмоний шахслар учун “Масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими” (бундан буён матнларда “Тизим” деб номланади) орқали амалга оширилади.

1. Асосий тушунчалар

1.1. «**Эмиссия**» - эмитент банк тарафидан пластик картани пластик карта эгасига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали муомалага чиқариш;

1.2. «**Эмитент банк**» - бу пластик картанинг эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган пластик карталарга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, ўз номидан уларнинг сақловчилари ва эквайерлар олдида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга оид қонун ҳужжатлари талаблари асосида мажбуриятларни зиммасига олган, шунингдек пластик карта сақловчиларининг тўлов операциялари бўйича авторизациялаш, транзакцияларни йиғиш ва уларга ишлов бериш функцияларини амалга оширувчи банк;

1.3. «**Эквайер**» - пластик карталар орқали амалга оширилган операциялар бўйича товарлар (ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) сотувчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, шунингдек пластик карта сақловчисига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк;

1.4. «**Пластик карта**» - банк тарафидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатилadиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи амалдаги «миллий валюта» - сўмдаги банк пластик картаси;

1.5. «**Пластик карта эгаси**» - сўмдаги пластик картани вақтинчалик фойдаланиш учун олган ва пластик карта бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс, эмитент банкнинг мижозидир. Сўмдаги пластик карта банк тарафидан пластик карта эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун берилади ва банкнинг мулки ҳисобланади;

1.6. «**Пластик карта сақловчиси**» – эмитент банк билан шартнома асосида фойдаланувчи мижоз ёки мижоз тарафидан ваколат берилган шахс;

1.7. «**Сўмдаги махсус карта ҳисобварағи**» - пластик карта орқали пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

1.8. «**Шартнома**» - ушбу шартнома, ҳамда унинг барча иловалари ва унга қўшимчалар;

1.9. «**Қорхона/Ташкилот**» - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва хизматлар юзасидан пластик картани тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс ёки хусусий тадбиркор (дўкон, меҳмонхона, ресторан ва бошқалар)ни англатади.

1.10. «**Транзакция**» - пластик карта сақловчиси тарафидан амалга ошириладиган, унинг банкдаги ҳисобварағи дебетланишига олиб келадиган тўлов ордери;

1.11. «**ШИР**» - пластик карта эгаси тарафидан карта воситасида амалга ошириладиган қуйидаги операцияларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш учун мўлжалланган **шахсий идентификация рақами** (пластик карта эгасининг электрон имзоси)ни англатади:

- нақд пул маблағларини банкоматлар (карталар бўйича нақд пулларни бериш учун мўлжалланган банк электрон автомат-кассирлар) орқали олиш;
- Инфокиосклар орқали тўловларни амалга ошириш;
- савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- карта бўйича маълумот-ахборот олиш;
- масофадаги операцияларни амалга ошириш.

1.12. «Тўловларни қайтариш» - банк тарафидан белгиланган шаклда пластик карта эгасининг сўмдаги махсус карта ҳисобварағини кредитлаш учун транзакциялар борасида Корхона/Ташкилот тарафидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиши маъносини билдиради.

1.13. «Терминал» - пластик карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича чекларни шакллантирувчи қурилма;

1.14. «Банкомат» - пластик карталарни сақловчисига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида нақд пул маблағларини ва бажарилган операциялар бўйича чекларни олиш, шунингдек пластик карта орқали асосий ва қўшимча операцияларни амалга ошириш, жумладан, маблағларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, пластик картанинг баланси ва банкдаги ҳисобварақ қолдиғи ҳолати тўғрисида ахборот олиш ва паролларни ўзгартириш имконини берувчи электрон-механик қурилма;

1.15. «Инфокиоск» - пластик карталар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга оширувчи ва амалга оширилган транзакциялар ҳақида маълумотларни тақдим этувчи ҳамда терминал банк, молия – кредит муассасалари, уяли алоқа провайдерлари, кўп тармоқли бўлинмаларга эга бўлган компаниялар хизматларини тақдим этиш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилма;

1.16. «Стоп-лист» - процессинг маркази тарафидан шакллантириладиган ва доимий янгиланиб туриладиган йўқолган ёки банк тарафидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилган ёки бутунлай тўхтатилган пластик карталар рўйхати;

1.17 «SMS хизмати» - сўмдаги махсус карта ҳисобварағидаги ўзгаришлар бўйича миқдорнинг мобил телефонида юбориладиган хабарлар хизмати;

1.18. «Банк тарифи» - пластик карталар бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифи (www.hamkorbank.uz).

2. Шартноманинг предмети

2.1. Мазкур шартнома Банк тарафидан банк пластик карталари орқали ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан банк билан банк пластик карта эгаси ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солиди.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари

3.1. Пластик карта эгаси:

3.1.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ Пластик картадан фойдаланиш;

3.1.2. Пластик карта ШИР кодини белгилаш, алмаштириш ва уни ҳеч кимга маълум қилмаслик, агар, миқдор ШИР кодини бошқа шахсга билдирган бўлса, ушбу карта орқали амалга оширилган барча операциялар учун картанинг эгаси жавобгардир;

3.1.3. Мазкур шартнома ўз кучини йўқотгандан кейин пластик картани ҳеч қандай шартларсиз банкка қайтариш;

3.1.4. Банк хизмат ҳақларини белгиланган тарифлар доирасида тўлаш;

3.1.5. Эмитент банк ҳамда «Uzcard» тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида пластик картада ортиқча маблағлар ҳосил

бўлиб қолса, ушбу маблағларни эмитент банкка қайтариш;

3.1.6. Турар жойи ва/ёки паспорт маълумотлари ўзгарганда, шунингдек **карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда**, дарҳол банкга ёзма хабар бериш мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

3.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.2.1. Пластик карта эгаси билан шартнома тузилганидан сўнг сўмдаги махсус карта ҳисобварағини очиш;

3.2.2. Пластик карта эгасининг сўмдаги махсус карта ҳисобварағини пластик карта бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига дебет қилдириш;

3.2.3. Пластик карта эгасининг ҳисобварағидан транзакциялар бўйича 3 иш куни мобайнида тўловларни олиш ва ҳисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш;

3.2.4. Пластик карта эгасининг ёзма аризаси бўйича унинг сўмдаги махсус карта ҳисобварағидан кўчирма олиб бериш;

3.2.5. Пластик карта эгасидан пластик карта йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза олинган тақдирда, пластик картадан фойдаланган ҳолда операцияларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш. Агар, мижоз тарафидан “Call center” хизмати орқали карта ҳолати ўзгартирилганда банк ҳеч қандай мажбуриятларни олмайди.

3.2.6. Пластик карта эгасини банк тарифи ва банк тарафидан кўриладиган чоралар ҳақида таништириш;

3.2.7. Банк тарифлари ва унга киритилган ўзгартиришларни банкнинг «www.hamkorbank.uz» сайтига киришиб бориш.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари

4.1. Пластик карта эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Сўмдаги махсус карта ҳисобварағида мавжуд қолдиқни тўлдириб бориш;

4.1.2. Банкдан шартнома шартларини бажарилишини талаб қилиш;

4.1.3. Банкда сўмдаги махсус карта ҳисобварағидан кўчирмани олиш, кўчирмада махсус карта ҳисобварағи орқали амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Пластик карта амал қилишининг бутун муддати мобайнида банкнинг мулки саналади ва амал қилиш муддати тугаганида, алмаштириш чоғида, сўмдаги махсус карта ҳисобварағидаги қолдиқ суммасини, агар мижоз картанинг жаримасини тўламаган тақдирда, банкнинг талабига кўра у банк ҳисобига ундирилиши лозим.

4.2.2. Пластик картага кўрсатиладиган хизмат учун хизмат ҳақини бир тарафлама белгилаш ва улар бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бунда, киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар банкнинг интернет сайтида («www.hamkorbank.uz») огоҳлантирилгач 1 (бир) ойдан кейин кучга киради;

4.2.3. Мижознинг пластик карта орқали нақд пул олишида белгиланган тариф асосида банк хизмат ҳақи ундириш;

4.2.4. Мижознинг сўмдаги махсус карта ҳисобварағидан нақд пулсиз ўтказмалар, шу жумладан бошқа банк филиалидан ва/ёки филиалга маблағ ўтказилганда, қўшимча хизмат турларидан фойдаланганда белгиланган тариф асосида банк хизмат ҳақи ундириш;

4.2.5. Мижознинг сўмдаги махсус карта ҳисобварағини тўлдиришда (нақд пулда, иш ҳақи ҳисобидан, омонат ҳисобварағидан, дивиденд, суғурта, ижара ва бошқа маблағлар ҳисобидан) белгиланган банк тарифлари асосида банк хизмат ҳақи ундириш;

4.2.6. SMS хизматига уланган бўлса, банк тарифи бўйича ойлик тўловларни

ундириш;

4.2.7. Пластик карта эгаси тарафидан шартнома шартлари бузилганда ҳамда пластик карта эгаси ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, пластик картанинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш;

4.2.8. Мижоз тарафидан пластик карта йўқотилган, шикастланган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилганда, белгиланган тарифга асосан хизмат ҳақи ундириш;

4.2.9. Эмитент банк ҳамда «Uzcard» тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида пластик картада ортиқча маблағлар ҳосил бўлиб қолса, ушбу маблағларни пластик карта эгасидан қайтариш;

4.2.10. Пластик картадан ушбу шартнома шартларига зид равишда фойдаланилганда сўмдаги махсус карта ҳисобварағини ёпиб қўйиш.

5. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

Мижоз банк тарафидан кўрсатилган хизматлар учун банк тарифларида белгиланган миқдорларда банк хизмати тўлайди.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Пластик карта эгаси мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда, банкка етказилган зарарни тўлиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва тўлайди.

6.2. Пластик карта эгаси тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда, у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг пластик карта банкга ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгар бўлади.

6.3. Банк пластик картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд пластик картадан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган ҳар қандай молиявий зарарлар, шу жумладан СТОП ЛИСТ рўйхатига киритилгандан кейин амалга оширилган транзакциялар юзасидан етказилган зарарлар учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.

6.4. Банк пластик карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, мижознинг ёзма хабари (муружаати) келиб тушган кундан кечикмасдан пластик карта бўйича операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш мақсадида СТОП ЛИСТ рўйхатига киритиб қўяди. Банк мижознинг паспорт маълумотлари (ФИШ, рўйхатга олинган жойи, паспорт серияси ва рақами, туғилган куни, ойи йили, паспорти ким тарафидан берилганлиги) тўғрисида тўлиқ маълумот бера олса карта бўйича операцияларни вақтинча тўхтатиб туришни, яъни СТОП ЛИСТ рўйхатига киритишни телефон орқали ҳам амалга оширишга ҳақли. Бироқ, вақтинча тўхтатилган, яъни СТОП ЛИСТ рўйхатига киритилган пластик карталарни СТОП ЛИСТ рўйхатидан чиқариш пластик карта сақловчисининг банкка шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан ташрифи орқали амалга оширилади.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома мижоз томонидан электрон тасдиқланган кундан бошлаб 5 (уч) йил муддатга тузилади. Беш йилдан сўнг шартномани бекор қилиш бўйича тарафлардан ёзма муружаат бўлмаса ёки шартнома шартлари бўйича тарафларнинг ёзма эътирози бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги календарь йилига узайтирилади.

7.2. Шартнома бекор қилинган тақдирда, банк пластик карта ҳисобварағи бўйича операцияни тўхтатади. Карта ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари қолдиғи пластик

карта эгасининг тегишли ёзма аризасига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади ёки картадан фойдаланиш муддати кейинги 5 (йилга) йилга узайтирилган тақдирда, ҳисобварақ бўйича операцияни тиклаб беради.

7.3. Банк ўзгартиришлар кучга киришидан 1 ой аввал банкнинг интернет сайтида («www.hamkorbank.uz») эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини амалдаги қонунчилик доирасида бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7.4. Пластик карта эгаси пластик картани банкка топширгач, исталган вақтда ушбу шартномани бекор қилишга ҳақли.

7.5. Банк 1 ой аввал ёзма ёки электрон равишда мижозни хабардор қилиш орқали исталган вақтда ушбу шартномани бекор қилиши мумкин.

7.6. Банк пластик карта эгаси тарафидан ушбу шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча харажатларни пластик карта эгасидан ундириб олади.

7.8. Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма ёки электрон равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд Шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган, деб ҳисобланади.

8. Махфийлик

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

8.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

8.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

8.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

9. Форс – мажор ҳолатлар

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

9.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

9.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма ёки электрон равишда хабардор қилиши лозим.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги

хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

10. Низоларнинг ҳал этилиши

10.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

10.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

10.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

10.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

11. Тарафларнинг юридик манзили, Реквизитлари ва имзолари.

Банк: Манзил: МФО: СТИР:	Мижоз: Манзил: МФО: СТИР:
Х/р: _____	Х/р: _____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	(имзо) (Фамилия, инициаллар)
_____	_____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	

(Ушбу оферта шартнома тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади)

VISA International шахсий банк пластик картасидан фойдаланиш бўйича

ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

_____ шаҳар _____ 201_ йил _

Ушбу шартнома чет эл капитали иштирокидаги “Namkorbank” акционерлик тижорат банки (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) ҳамда тизим иштирокчиси бўлган жисмоний шахс (бундан буён матнларда “Мижоз” деб номланади) ўртасида электрон шаклда тузилди.

Шартнома бўйича халқаро пластик картани очиш амалиётлари ва олинadиган маълумотлар жисмоний шахслар учун “Масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими” (бундан буён матнларда “Тизим” деб номланади) орқали амалга оширилади.

1. Асосий тушунчалар

- 1.1 Авторизация – карта операциясини амалга оширишда карта эгасининг товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш ҳуқуқини тасдиқлаш. Авторизация овозли (телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда) ёки автоматлаштирилган (электрон ускуналардан фойдаланган ҳолда) авторизацияга бўлинади.
- 1.2. Картани бекор қилиш – картани ҳақиқий эмас деб топиш.
- 1.3. Банк куни – Ўзбекистон Республикаси банклари банк операцияларини амалга ошириш учун очиқ бўлган кун.
- 1.4. Банкомат – карта бўйича автоматлаштирилган равишда нақд пул берадиган электрон ускуна.
- 1.5. Картани блоклаш – карта ишлашини вақтинча тўхтатиш ёки буткул тўхтатиш бўйича Банк томонидан кўриладиган чора (буткул тўхтатиш деганда карта хизмат кўрсатиш учун тақдим этилганда, уни буткул олиб қўйиш тушунилади).
- 1.6. Картанинг эгаси – картанинг устига идентификация маълумотлари ёзилган жисмоний шахс.
- 1.7. Карт-счёт – картадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган пул маблағи ҳисобини юритиш мақсадида банкда очилган счёт.
- 1.8. Дебет картаси (кейинги ўринларда - карта) – фақат карт-счёт доирасида карта операцияларини амалга ошириш имконини берадиган тўлов картаси.
- 1.9. Кўчирма – мижознинг талабига асосан банк томонидан календарь оyi давомида шаклланиб берадиган карт-счётдан кўчирма.
- 1.10. Асосий карта – банк билан VISA International шахсий банк пластик картасидан фойдаланиш бўйича оферта шартномасини тузган мижозга тегишли карт-счёт бўйича расмийлаштирилган карта.
- 1.11. Кўшимча карта – мижознинг ишончли вакилига карт-счети бўйича расмийлаштирилган карта.
- 1.12. Карта операцияси – картадан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар ҳақини тўлаш, нақд пул олиш ва бошқа операцияларни амалга ошириш.
- 1.13. Халқаро тўлов тизими – халқаро тизимга уланган карталар орқали товар ва хизматлар учун нақдсиз тўлаш тизими. Халқаро тўлов тизими тегишли валюта конвертациясини амалга оширган ҳолда, халқаро тўлов тизими аъзолари ўртасидаги карта операциялари амалга оширилиши қоидаларини белгилайди ва карта операциялари бўйича клиринг ҳисоб-китобини амалга оширади.
- 1.14. ПИН-код – шахсий идентификацион код, 6 хонали рақамдан иборат махфий код. Электрон ускуналар орқали карта операциялари амалга ошириладиганда картанинг эгасини идентификация қилиш учун хизмат қилади.
- 1.15. Қоидалар – Картадан фойдаланиш қоидалари. Банк ходими томонидан мижозга карта бериладиганда қоидалар тушунтирилади.
- 1.16. Хизмат кўрсатиш корхонаси – товар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун картани қабул қилиш ҳуқуқига эга савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари.

1.17. Тарифлар – банкка хизмат ҳақларини тўлаш санасида амалдаги карталар бўйича банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Банк Бошқаруви томонидан белгиланадиган тарифлар.

1.18. Овердрафт – карт-счётдаги қолдиқ маблағлардан кўпроқ ишлатилган сумма.

1.19. Авторизация марказлари – халқаро тўлов тизими аъзоси бўлган банкларнинг қўйи ташкилотлари бўлиб, картанинг эгаси ёки банкнинг ташаббуси билан овозли авторизация ёки картани блоклашни амалга оширади.

1.20. Ўз минтақасида карта чиқарадиган ва карта операцияларига хизмат кўрсатадиган турли мамлакатларнинг ваколатли банклари Халқаро тўлов тизимининг аъзоси ҳисобланади.

2. Шартноманинг предмети

2.1. Мазкур шартнома банк картаси ёрдамида банк томонидан товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш хизматини кўрсатиш, шунингдек VISA International халқаро тўлов тизимига уланган банкомат ва кассалар орқали фойдаланувчи томонидан белгиланган тартибда нақд пул олиш соҳасида Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари.

3.1. Мижознинг мажбуриятлари:

3.1.1. Мазкур шартнома шартларига ва қоидаларга риоя қилиш;

3.1.2. Асосий ёки қўшимча картадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган, ПИН-код териш ёки карта эгасининг имзоси билан тасдиқланган операция бўйича ҳисоб-китобларни шартсиз амалга ошириш;

3.1.3. Тарифларга мувофиқ банк хизматларининг ҳақини тўлаш;

3.1.4. Овердрафтга амалга оширилганда ёки кредитдан фойдаланганда овердрафт ёки кредит суммасини банк тарифларига мувофиқ тўлаш.

3.1.5. Карта (асосий ва қўшимча) бус-бут сақланишини таъминлаш;

3.1.6. Карта (асосий ва қўшимча) йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, картани қоидаларда белгиланган тартибда блоклаш хусусида банкка оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш;

3.1.7. Аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгаргани тўғрисида банкни 5 (беш) банк куни ичида хабардор қилиш;

3.1.8. Мижознинг айби билан қилинган ёки карта блокланиши билан боғлиқ банкнинг суд харажатларини шартсиз амалга ошириш;

3.1.9. Карт-счётга янглиш ўтказилган пулларни банкка қайтариш, шунингдек тизимдаги техник носозликлар туфайли карт-счётда ортиқча пайдо бўлган пулларни қайтариш;

3.1.10. Шубҳали трансакцияларни рад этишда рад этиш учун зарур барча ҳужжатларни банкка тақдим этиш;

3.1.11. Банкдан ушбу шартнома бекор қилиниши тўғрисида ёзма хабарнома олгандан сўнг 5 банк куни ичида банкка мазкур шартномага мувофиқ мижоз учун чиқарилган барча карталарни қайтариш;

3.2. Банкнинг мажбуриятлари:

3.2.1. Банк мижоз учун карта чиқариш, унга хизмат кўрсатилишини таъминлаш, шунингдек, мазкур шартномада кўзда тутилган шартларда карт-счётга ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш;

3.2.2. Ариза асосида ва ариза олинган кундан ва мижоз хизмат кўрсатиш ҳақини тўлаганидан кейин 10 банк иш куни ичида картани эгасига ёки карта эгаси берган ишончнома асосида иш кўрувчи ишонччи шахсга бериш;

3.2.3. Халқаро тўлов тизими қоидаларига мувофиқ картага хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

3.2.4. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан 3 банк иш куни ичида мижознинг фойдасига тушган пулларни карт-счётга ўтказиш;

3.2.5. Карт-счётдаги пул қолдиғига фоизлар ҳисоблаш, Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган муддатларда ва ставка бўйича амалга оширилади. Бунда календарь ойида кунлар сони ойдаги бор кунлар сонига, йил ойлари сони 365 (уч юз олтмиш беш) кунга тенг деб қабул қилинади;

3.2.6. Ёзма талабнома олинган кундан кейин 5 (беш) банк иш куни ичида мижозга қўшимча кўчирма бериш;

3.2.7. Банкнинг интернет сайтлари орқали (www.hamkorbank.uz) мижозни қоидалардаги барча ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантириш.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Мидоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Картадан мазкур шартномага мувофиқ фойдаланиш;

4.1.2. Карт-счётдан кўчирма олиш;

4.1.3. Мазкур шартноманинг қоидаларида кўзда тутилган тартибда банкка картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ва блокдан чиқариш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш;

4.1.4. Белгиланган шаклдаги ариза асосида карт-счёт бўйича қўшимча карта расмийлаштириш;

4.1.5. Транзакцияни бекор қилиш тўғрисида шу транзакция ўтказилган кундан кейин 60 (олтмиш) календарь куни ичида мурожаат қилиш.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Мижознинг розилигисиз карт-сётдан тасарруф этиш:

- карта операциясининг (ёки амалга оширилган овердрафт ёки кредитдан фойдаланиш ва стоп листга қўйиш) суммасини;
- тарифларга мувофиқ банкнинг хизмат ҳақини;
- карт-сётга янглиш ўтказилган пулларни ечиб олиш;

4.2.2. Карта бўйича тўлов амалиёти ўтказилган кундан 60 (ўттиз) календар кун ўтгач, мижоздан ушбу тўлов амалиёти юзасидан келиб тушган даъволарни кўриб чиқмаслик;

4.2.3. Мижоз ариза берилган кундан эътиборан 6 (олти) календарь ой ичида мижоз банкка келмаса, картани (асосий ёки қўшимча) бекор қилиш ва тўланган хизмат кўрсатиш ҳақини мижозга қайтармаслик;

4.2.4. Қоида ва тарифларни ўзгартириш. Бундай ҳолларда банк ўз сайтида ўзгаришлар ҳақида ахборот беради;

4.2.5. Банк Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги карта операциялари бўйича лимит ўрнатишга ҳақли.

4.2.6. Карта банкнинг мулки ҳисобланади. Карта унда кўрсатилган ой ва йил охиригача амалда бўлади ва 3 йил муддатга чиқарилади. Муддати ўтган карталар бўйича операциялар амалга оширилмайди.

5. Ҳисоб-китоб ўтказиш шартлари

5.1. Карт-счёт USD (АҚШ доллари) да юритилади.

5.2. Карт-сёт Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд ва нақдсиз тўлов усулида тўлдирилади.

5.3. Банк томонидан қуйидагилар учун банк хизмати олиниши мумкин:

- картага хизмат кўрсатиш;
- қўшимча кўчирма бериш;
- картани ўзгартириш ёки йўқолган карта ўрнига янги карта бериш;

- карта бўйича нақд пул олиш ва савдо/хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш;
- картани блоклаш.

Хизмат ҳақи банк тарифи билан белгиланган ставкалар бўйича карт-счётнинг валютасида олинади.

5.4. Қўшимча кўчирма бериш учун банк тарифи билан белгиланган ставкалар бўйича ҳақ олинади ва кўпи билан охириг икки календарь ойи учун берилади.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. *Мижоз қуйидагилар учун жавобгар:*

- йўқотилган картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаслик оқибатлари учун – банкка келтирилган зарарнинг тўлиқ миқдорида;
- карт-счётга янглиш ўтказилган пулларни қайтармаслик учун – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ.

6.2. *Банк қуйидагилар учун жавобгар:*

- банк сирини ошкор этганлик учун - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ;
- карт-счёт бўйича янглиш амалга оширилган операция учун – бу ҳолда банкнинг жавобгарлиги янглиш амалга оширилган операцияни бекор қилиш билан чекланади;
- банкка миждознинг фойдасига келиб тушган пулларни карт-счётга ўтказишни кечиктирганлик учун – кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида ўтказилмаган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида;

6.3. *Банк қуйидагилар учун жавобгар эмас:*

- учинчи томон картага хизмат кўрсатишни рад этиши учун;
- карта бўйича сотиб олинган товар ва хизматларнинг сифати учун;
- учинчи тараф томонидан белгиланган ва миждознинг манфаатларига тегишли бўлиши мумкин бўлган лимитлар, чекловлар ва қўшимча ҳақлар учун;
- йўқотилган картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаслик оқибатлари учун;
- миждознинг картаси бўйича ўтказилган интернет тўловлар ёки интернет тўловлар билан боғлиқ операциялар учун;
- карта бўйича транзакция оширилган санадан бошлаб 60 (олтмиш) календар кун ўтгандан сўнг миждоз томонидан ушбу транзакция бўйича шикоятни қабул қилиш ва у бўйича иш қўзғашга;
- миждоз транзакция шикоятини ўз вақтида бериб, транзакцияга тегишли ҳужжатларни тақдим қилмаганда.

7. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати, уни бекор қилиш ва ўзгартириш шартлари

7.1. Мазкур шартнома миждоз томонидан электрон тасдиқланган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва халқаро пластик картанинг амал қилиш муддати тугаган кунгача ёки тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинган кунгача амал қилади.

7.2. Мижоз шартномани бир тарафлама тартибда банкка тегишли ёзга огоҳлантириш юбориш ва мазкур шартнома доирасида миждоз учун чиқарилган барча карталарни (асосий ва қўшимча) топшириш орқали бекор қилиши мумкин.

7.3. Банк шартномани бир тарафлама тартибда миждозга бекор қилиш кунидан 30 кун олдин тегишли ёзма огоҳлантириш юбориш орқали бекор қилиши мумкин.

7.4. Мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўзда тутилган шартлар Мижоз томонидан бажарилмаган тақдирда, банк қайтарилмаган карталарни блоклайди ва блоклаш учун белгиланган тарифлар бўйича миждоздан хизмат ҳақи олади.

7.5. Мазкур шартнома бекор қилинаётганда:

- хизмат кўрсатиш учун миждоз томондан тўланган хизмат ҳақи қайтарилмайди;

- карт-счёт бўйича пул қолдиғи нақд пулда ёки мижоздан келиб тушган ёзма кўрсатмага мувофиқ, мижознинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

7.6. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма ёки электрон равишда амалга оширилган ва иккала тараф томонидан имзоланган ёки тасдиқланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Банкнинг расмий сайтида эълон қилинадиган қоидалар ва тарифларга тааллуқли ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

7.7. Мазкур шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма ёки электрон равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган, деб ҳисобланади.

8. Махфийлик.

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва шартларини бажаришда, тарафлар бир-бирларидан олган барча ахборотни махфий деб қабул қиладилар.

8.2. Тарафлар мазкур шартномани тузиш ва шартларини бажаришда олинган бошқа тарафнинг тижорат сири ва махфий ахборотини ушбу ахборот эгасининг ёзма рухсатисиз ошкор этмаслик мажбуриятини оладилар. Мазкур талаб ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида ва шартнома бекор қилинган кундан эътиборан 3 йил давомида амалда бўлади.

8.3. Махфийлик талабини бузган тараф иккинчи тараф кўрган зарарни тўлиқ қоплайди.

9. Форс мажор

9.1. Агар мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч: ёнғин, сув тошқини, ер қимирлаши, электр таъминоти узилиши ва тарафлар назорат қилолмайдиган бошқа ҳодисалар оқибати бўлса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Агар мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик мазкур шартнома тузилганидан сўнг содир бўлган ва тарафлардан бири мавжуд имкониятлардан фойдаланиб унинг олдини ололмаган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) оқибати бўлса, тарафлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

9.3. Агар 30 кун ичида форс-мажор ҳолати бартараф этилмаса, тарафлар шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

10. Низоларни ҳал қилиш тартиби

10.1. Мазкур шартномани бажариш чоғида юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар имкон қадар тарафлар ўртасида музокара олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

10.2. Келишувга келинмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг туманлараро фуқаролик судларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

10.3. Низоларни ҳал қилиш чоғида тарафлар машина ташувчилардаги операциялар тўғрисидаги маълумотларни далил сифатида қабул қилишга розилар.

10.4. Ёзма огоҳлантиришни бошқа тараф олган деб ҳисоблаш учун, у ушбу тарафга тилхат ёздириб топширилган ёки мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат орқали юборилган (почта квитанцияси билан) бўлиши шарт.

11. Тарафларнинг реквизитлари:

Банк: Манзил: МФО: СТИР: Ҳ/р:	Мижоз: Манзил: МФО: СТИР: Ҳ/р:
_____	_____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	(имзо) (Фамилия, инициаллар)
_____	_____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	

(Ушбу оферта шартнома тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади)

_____ / _____

_____ / _____

Union Pay International шахсий банк пластик картасидан фойдаланиш бўйича**ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ**

шаҳар _____

201_ йил _

Ушбу шартнома чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акционерлик тижорат банки (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) ҳамда тизим иштирокчиси бўлган жисмоний шахс (бундан буён матнларда “Мижоз” деб номланади) ўртасида электрон шаклда тузилди.

Шартнома бўйича халқаро пластик картани очиш амалиётлари ва олинadиган маълумотлар жисмоний шахслар учун “Масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими” (бундан буён матнларда “Тизим” деб номланади) орқали амалга оширилади.

1. Асосий тушунчалар

1.1 Авторизация – карта операциясини амалга оширишда карта эгасининг товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш ҳуқуқини тасдиқлаш. Авторизация овозли (телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда) ёки автоматлаштирилган (электрон ускуналардан фойдаланган ҳолда) авторизацияга бўлинади.

1.2. Картани бекор қилиш – картани ҳақиқий эмас деб топиш.

1.3. Банк куни – Ўзбекистон Республикаси банклари банк операцияларини амалга ошириш учун очиқ бўлган кун.

1.4. Банкомат – карта бўйича автоматлаштирилган равишда нақд пул берадиган электрон ускуна.

1.5. Картани блоклаш – карта ишлашини вақтинча тўхтатиш ёки буткул тўхтатиш бўйича Банк томонидан кўриладиган чора (буткул тўхтатиш деганда карта хизмат кўрсатиш учун тақдим этилганда, уни буткул олиб қўйиш тушунилади).

1.6. Картанинг эгаси – картанинг устига идентификация маълумотлари ёзилган жисмоний шахс.

1.7. Карт-счёт – картадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган пул маблағи ҳисобини юритиш мақсадида банкда очилган счёт.

1.8. Дебет картаси (кейинги ўринларда - карта) – фақат карт-счёт доирасида карта операцияларини амалга ошириш имконини берадиган тўлов картаси.

1.9. Кўчирма – мижознинг талабига асосан банк томонидан календарь оyi давомида шаклланиб борадиган карт-счётдан кўчирма.

1.10. Асосий карта – банк билан UNION PAY International шахсий банк пластик картасидан фойдаланиш бўйича оферта шартномасини тузган мижозга тегишли карт-счёт бўйича расмийлаштирилган карта.

1.11. Кўшимча карта – мижознинг ишончли вакилига карт-счёти бўйича расмийлаштирилган карта.

1.12. Карта операцияси – картадан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар ҳақини тўлаш, нақд пул олиш ва бошқа операцияларни амалга ошириш.

1.13. Халқаро тўлов тизими – халқаро тизимга уланган карталар орқали товар ва хизматлар учун нақдсиз тўлаш тизими. Халқаро тўлов тизими тегишли валюта конвертациясини амалга оширган ҳолда, халқаро тўлов тизими аъзолари ўртасидаги карта операциялари амалга оширилиши қоидаларини белгилайди ва карта операциялари бўйича клиринг ҳисоб-китобини амалга оширади.

1.14. ПИН-код – шахсий идентификацион код, 6 хонали рақамдан иборат махфий код. Электрон ускуналар орқали карта операциялари амалга ошириладиганда картанинг эгасини идентификация қилиш учун хизмат қилади.

1.15. Қоидалар – Картадан фойдаланиш қоидалари. Банк ходими томонидан мижозга карта бериладиганда қоидалар тушунтирилади.

1.16. Хизмат кўрсатиш корхонаси – товар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун картани қабул қилиш ҳуқуқига эга савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари.

1.17. Тарифлар – банкка хизмат ҳақларини тўлаш санасида амалдаги карталар бўйича банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Банк Бошқаруви томонидан белгиланадиган тарифлар.

1.18. Овердрафт – карт-счётдаги қолдиқ маблағлардан кўпроқ ишлатилган сумма.

1.19. Авторизация марказлари – халқаро тўлов тизими аъзоси бўлган банкларнинг қўйи ташкилотлари бўлиб, картанинг эгаси ёки банкнинг ташаббуси билан овозли авторизация ёки картани блоклашни амалга оширади.

1.20. Ўз минтақасида карта чиқарадиган ва карта операцияларига хизмат кўрсатадиган турли мамлакатларнинг ваколатли банклари Халқаро тўлов тизимининг аъзоси ҳисобланади.

2. Шартноманинг предмети

2.1. Мазкур шартнома банк картаси ёрдамида банк томонидан товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш хизматини кўрсатиш, шунингдек Union Pay International халқаро тўлов тизимига уланган банкомат ва кассалар орқали фойдаланувчи томонидан белгиланган тартибда нақд пул олиш соҳасида Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари.

3.1. Мижознинг мажбуриятлари:

3.1.1. Мазкур шартнома шартларига ва қоидаларга риоя қилиш;

3.1.2. Асосий ёки қўшимча картадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган, ПИН-код териш ёки карта эгасининг имзоси билан тасдиқланган операция бўйича ҳисоб-китобларни шартсиз амалга ошириш;

3.1.3. Тарифларга мувофиқ банк хизматларининг ҳақини тўлаш;

3.1.4. Овердрафтга амалга оширилганда ёки кредитдан фойдаланганда овердрафт ёки кредит суммасини банк тарифларига мувофиқ тўлаш.

3.1.5. Карта (асосий ва қўшимча) бус-бут сақланишини таъминлаш;

3.1.6. Карта (асосий ва қўшимча) йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, картани қоидаларда белгиланган тартибда блоклаш хусусида банкка оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш;

3.1.7. Аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгаргани тўғрисида банкни 5 (беш) банк куни ичида хабардор қилиш;

3.1.8. Мижознинг айби билан қилинган ёки карта блокланиши билан боғлиқ банкнинг суд харажатларини шартсиз амалга ошириш;

3.1.9. Карт-счётга янглиш ўтказилган пулларни банкка қайтариш, шунингдек тизимдаги техник носозликлар туфайли карт-счётда ортиқча пайдо бўлган пулларни қайтариш;

3.1.10. Шубҳали трансакцияларни рад этишда рад этиш учун зарур барча ҳужжатларни банкка тақдим этиш;

3.1.11. Банкдан ушбу шартнома бекор қилиниши тўғрисида ёзма хабарнома олгандан сўнг 5 банк куни ичида банкка мазкур шартномага мувофиқ мижоз учун чиқарилган барча карталарни қайтариш;

3.2. Банкнинг мажбуриятлари:

3.2.1. Банк мижоз учун карта чиқариш, унга хизмат кўрсатилишини таъминлаш, шунингдек, мазкур шартномада кўзда тутилган шартларда карт-счётга ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш;

3.2.2. Ариза асосида ва ариза олинган кундан ва мижоз хизмат кўрсатиш ҳақини тўлаганидан кейин 10 банк иш куни ичида картани эгасига ёки карта эгаси берган ишончнома асосида иш кўрувчи ишончли шахсга бериш;

3.2.3. Халқаро тўлов тизими қоидаларига мувофиқ картага хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

3.2.4. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан 3 банк иш куни ичида мижознинг фойдасига тушган пулларни карт-счётга ўтказиш;

3.2.5. Карт-счётдаги пул қолдиғига фоизлар ҳисоблаш, Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган муддатларда ва ставка бўйича амалга оширилади. Бунда календарь ойида кунлар сони ойдаги бор кунлар сонига, йил ойлари сони 365 (уч юз олтмиш беш) кунга тенг деб қабул қилинади;

3.2.6. Ёзма талабнома олинган кундан кейин 5 (беш) банк иш куни ичида мижозга қўшимча кўчирма бериш;

3.2.7. Банкнинг интернет сайтлари орқали (www.hamkorbank.uz) мижозни қоидалардаги барча ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантириш.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Мидоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Картадан мазкур шартномага мувофиқ фойдаланиш;

4.1.2. Карт-счётдан кўчирма олиш;

4.1.3. Мазкур шартноманинг қоидаларида кўзда тутилган тартибда банкка картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ва блокдан чиқариш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш;

4.1.4. Белгиланган шаклдаги ариза асосида карт-счёт бўйича қўшимча карта расмийлаштириш;

4.1.5. Транзакцияни бекор қилиш тўғрисида шу транзакция ўтказилган кундан кейин 60 (олтмиш) календарь куни ичида мурожаат қилиш.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Мижознинг розилигисиз карт-сётдан тасарруф этиш:

- карта операциясининг (ёки амалга оширилган овердрафт ёки кредитдан фойдаланиш ва стоп листга қўйиш) суммасини;
- тарифларга мувофиқ банкнинг хизмат ҳақини;
- карт-сётга янглиш ўтказилган пулларни ечиб олиш;

4.2.2. Карта бўйича тўлов амалиёти ўтказилган кундан 60 (ўттиз) календар кун ўтгач, мижоздан ушбу тўлов амалиёти юзасидан келиб тушган даъволарни кўриб чиқмаслик;

4.2.3. Мижоз ариза берилган кундан эътиборан 6 (олти) календарь ой ичида мижоз банкка келмаса, картани (асосий ёки қўшимча) бекор қилиш ва тўланган хизмат кўрсатиш ҳақини мижозга қайтармаслик;

4.2.4. Қоида ва тарифларни ўзгартириш. Бундай ҳолларда банк ўз сайтида ўзгаришлар ҳақида ахборот беради;

4.2.5. Банк Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги карта операциялари бўйича лимит ўрнатишга ҳақли.

4.2.6. Карта банкнинг мулки ҳисобланади. Карта унда кўрсатилган ой ва йил охиригача амалда бўлади ва 3 йил муддатга чиқарилади. Муддати ўтган карталар бўйича операциялар амалга оширилмайди.

5. Ҳисоб-китоб ўтказиш шартлари

5.1. Карт-счёт USD (АҚШ доллари) да юритилади.

5.2. Карт-сёт Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд ва нақдсиз тўлов усулида тўлдирилади.

5.3. Банк томонидан қуйидагилар учун банк хизмати олиниши мумкин:

- картага хизмат кўрсатиш;
- қўшимча кўчирма бериш;

- картани ўзгартириш ёки йўқолган карта ўрнига янги карта бериш;
- карта бўйича нақд пул олиш ва савдо/хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш;
- картани блоклаш.

Хизмат ҳақи банк тарифи билан белгиланган ставкалар бўйича карт-счётнинг валютасида олинади.

5.4. Қўшимча кўчирма бериш учун банк тарифи билан белгиланган ставкалар бўйича ҳақ олинади ва кўпи билан охириг икки календарь ойи учун берилади.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. *Мижоз қуйидагилар учун жавобгар:*

- йўқотилган картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаслик оқибатлари учун – банкка келтирилган зарарнинг тўлиқ миқдориди;
- карт-счётга янглиш ўтказилган пулларни қайтармаслик учун – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ.

6.2. *Банк қуйидагилар учун жавобгар:*

- банк сирини ошкор этганлик учун - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ;
- карт-счёт бўйича янглиш амалга оширилган операция учун – бу ҳолда банкнинг жавобгарлиги янглиш амалга оширилган операцияни бекор қилиш билан чекланади;
- банкка мижознинг фойдасига келиб тушган пулларни карт-счётга ўтказишни кечиктирганлик учун – кечирктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида ўтказилмаган сумманинг 0,01 фоизи миқдориди;

6.3. *Банк қуйидагилар учун жавобгар эмас:*

- учинчи томон картага хизмат кўрсатишни рад этиши учун;
- карта бўйича сотиб олинган товар ва хизматларнинг сифати учун;
- учинчи тараф томонидан белгиланган ва мижознинг манфаатларига тегишли бўлиши мумкин бўлган лимитлар, чекловлар ва қўшимча ҳақлар учун;
- йўқотилган картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаслик оқибатлари учун;
- мижознинг картаси бўйича ўтказилган интернет тўловлар ёки интернет тўловлар билан боғлиқ операциялар учун;
- карта бўйича транзакция оширилган санадан бошлаб 60 (олтмиш) календар кун ўтгандан сўнг мижоз томонидан ушбу транзакция бўйича шикоятни қабул қилиш ва у бўйича иш қўзғашга;
- мижоз транзакция шикоятини ўз вақтида бериб, транзакцияга тегишли ҳужжатларни тақдим қилмаганда.

7. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати, уни бекор қилиш ва ўзгартириш шартлари

7.1. Мазкур шартнома мижоз томонидан электрон тасдиқланган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва халқаро пластик картанинг амал қилиш муддати тугаган кунгача ёки тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинган кунгача амал қилади.

7.2. Мижоз шартномани бир тарафлама тартибда банкка тегишли ёзга огоҳлантириш юбориш ва мазкур шартнома доирасида мижоз учун чиқарилган барча карталарни (асосий ва қўшимча) топшириш орқали бекор қилиши мумкин.

7.3. Банк шартномани бир тарафлама тартибда мижозга бекор қилиш кунидан 30 кун олдин тегишли ёзма огоҳлантириш юбориш орқали бекор қилиши мумкин.

7.4. Мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўзда тутилган шартлар Мижоз томонидан бажарилмаган тақдирда, банк қайтарилмаган карталарни блоклайди ва блоклаш учун белгиланган тарифлар бўйича мижоздан хизмат ҳақи олади.

7.5. Мазкур шартнома бекор қилинаётганда:

- хизмат кўрсатиш учун мижоз томондан тўланган хизмат ҳақи қайтарилмайди;
- карт-счёт бўйича пул қолдиғи нақд пулда ёки мижоздан келиб тушган ёзма кўрсатмага мувофиқ, мижознинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

7.6. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма ёки электрон равишда амалга оширилган ва иккала тараф томонидан имзоланган ёки тасдиқланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Банкнинг расмий сайтида эълон қилинадиган қоидалар ва тарифларга тааллуқли ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

7.7. Мазкур шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма ёки электрон равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган, деб ҳисобланади.

8. Махфийлик.

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва шартларини бажаришда, тарафлар бир-бирларидан олган барча ахборотни махфий деб қабул қиладилар.

8.2. Тарафлар мазкур шартномани тузиш ва шартларини бажаришда олинган бошқа тарафнинг тижорат сири ва махфий ахборотини ушбу ахборот эгасининг ёзма рухсатисиз ошкор этмаслик мажбуриятини оладилар. Мазкур талаб ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида ва шартнома бекор қилинган кундан эътиборан 3 йил давомида амалда бўлади.

8.3. Махфийлик талабини бузган тараф иккинчи тараф кўрган зарарни тўлиқ қоплайди.

9. Форс мажор

9.1. Агар мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик энгиб бўлмайдиган куч: ёнғин, сув тошқини, ер қимирлаши, электр таъминоти узилиши ва тарафлар назорат қилолмайдиган бошқа ҳодисалар оқибати бўлса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Агар мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик мазкур шартнома тузилганидан сўнг содир бўлган ва тарафлардан бири мавжуд имкониятлардан фойдаланиб унинг олдини ололмаган энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) оқибати бўлса, тарафлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

9.3. Агар 30 кун ичида форс-мажор ҳолати бартараф этилмаса, тарафлар шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

10. Низоларни ҳал қилиш тартиби

10.1. Мазкур шартномани бажариш чоғида юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар имкон қадар тарафлар ўртасида музокара олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

10.2. Келишувга келинмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг туманлараро фуқаролик судларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

10.3. Низоларни ҳал қилиш чоғида тарафлар машина ташувчилардаги операциялар тўғрисидаги маълумотларни далил сифатида қабул қилишга розилар.

10.4. Ёзма огоҳлантиришни бошқа тараф олган деб ҳисоблаш учун, у ушбу тарафга тилхат ёздириб топширилган ёки мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган

манзил бўйича буюртма хат орқали юборилган (почта квитанцияси билан) бўлиши шарт.

11. Тарафларнинг реквизитлари:

Банк: Манзил: МФО: СТИР: Ҳ/р:	Мижоз: Манзил: МФО: СТИР: Ҳ/р:
_____	_____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	(имзо) (Фамилия, инициаллар)
_____	_____
(имзо) (Фамилия, инициаллар)	

(Ушбу оферта шартнома тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади)